

Масжидул Ҳарамда рухсатномасиз ибодат қилганларга жарима солинади



18:00 / 28.04.2021 1405

Саудия Арабистонида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида Масжидул Ҳарамга ташриф буюриш учун махсус рухсатнома йўлланмаси талаб этилади. Бу ҳақда mupamaz.ru нашри хабар берди.

Энди мусулмонларнинг бош масжидига рухсатномасиз ибодат қилиш учун кирганларга 1000 риёл (\$270), Умра амалларини бажарганларга эса 10 000 риёл (\$2700) жарима солинади. Бу ҳақда Қироллик ички ишлар вазирлиги хабар бермоқда.

Маълумотларга кўра ушбу фармон бутун Рамазон ойи учун амал қилади.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи